


Ijtimoiy-tarixiy, ilmiy va ommabop jurnal



# SOHIBQIRON YULDUZI



Сohибқирон юлдузи

№1 (47) 2022 йил

*"Bizkim-mülki Turon, amiri Turkistonimiz, bizkim - millatlarning eng qadimi va eng ulug'i-Turkning bosh bo'g'inimiz!"*

*Sohibqiron Amir Temur*



# SOHIBQIRON YULDUZI

ИЖТИМОИЙ-ТАРИХИЙ, ИЛМИЙ ВА ОММАБОП ЖУРНАЛ

## ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

### АЪЗОЛАРИ:

академик Акмал Саидов  
академик Анатолий Сагдуллаев  
академик Дилором Юсупова  
Сирожиддин Саййид  
проф. Абдурахим Эркаев  
проф. Қаҳрамон Ражабов  
проф. Юлдуз Эргашева  
проф. Баҳодир Эшов  
филол.ф.д. Нафас Шодмонов  
Тўлқин Ҳайит  
т.ф.д. Г.Мўминова  
проф. Шокир Гаффоров  
проф. Аҳмад Чориев  
филол.ф.д. Хужамурод Жабборов  
филол.ф.д. Дамиш Тураев  
т.ф.н.доц. Акрам Ҳасанов

### Бош муҳаррир:

Очил Бўриев

### Масъул котиб:

Азизбек Норов

### Нашр учун масъуллар:

Равшан Тўхтамишев

Илҳом Тоғаев

### Саҳифаловчи:

Баҳодир Мусаев

### МУАССИС:

SOHIBQIRON SHULASI M.CH.J.

Қашқадарё вилоят матбуот ва ахборот  
бошқармасида 2012 йил 12 мартда  
14-076 рақами билан рўйхатга олинган.  
Журнал йилда 4 мартаба чоп этилади.  
Журналдан кўчирма олинганда манба  
қайд этилиши шарт.

### Манъилими:

Қарши шаҳри, Мустақиллик шох кўчаси,

2-уй. Телефон: 221-13-78. 91.466-80-32

Теришга 17.02.2022 йилда берилди.

Босишга 24.03.2022 йилда рухсат

этилди. 24.03.2022 йилда босилди.

Бичими 70x100 1/16. 8,0 босма табақ.

Адади 100 нусха. Буюртма № 208

Журнал «Photo Express» ишлаб чиқариш

корхонаси босмахонасида чоп этилди.


### Босмахона манъили:

Қарши шаҳри Мустақиллик шох кўчаси, 22-уй.

### Электрон манъилими:

sohibqiron\_jurnali@mail.ru

2022 йил № 1 (47)



2022 йил «Инсон қадрини  
улуғлаш ва фаол маҳалла  
йили»

Журнал таниқли шоир, маънавият  
жонкуяри (марҳум) Исмоил Тўхтамишев  
ташаббуси билан ташкил этилган.  
2010 йилдан чоп этилади.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация  
Комиссияси раёсатининг 2018 йил  
29 декабрдаги 260/7-сонли қарори билан  
«Тарих» фанлари бўйича илмий журналлар  
рўйхатига киритилган.



## MUNDARIJA

### ТЕМУРШУНОСЛИК

Хужамурод ЖАББОРОВ, Тарагай қишлоғи ва тарагайликлар.....	4
Очил БЎРИЕВ, Асал МУҲАММАДИЕВА, Соҳибқирон Амир Темур ҳарбий санъати ҳақида муҳим манба.....	9
Диёржон АБДУЛЛАЕВ, Амир Темур давлатида тақдирлаш ҳамда мукофотлаш аълоаси.....	16
Рашид ПРИМОВ, Темурийлар даври мусиқа маданияти ва санъати.....	25

### ТАРИХШУНОСЛИК

Наби ХУШВАҚОВ, Қашқадарё воҳасида театр санъатининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.....	29
Фаҳриддин САМАРОВ, Қусам Шайх тарихий-меъморий мажмуаси: тарих саҳифаларида.....	40
Анвар ТЎРАЕВ, Бухоро Туркманлари билан боғлиқ жой номлари таҳлили.....	46
Маҳмуд ҲАМРАЕВ, Саид Олим туранинг Қаршидаги фаолияти.....	52
Исмаи ЭРНИЁЗОВ, Шаҳрисабз шаҳар тарихий-маданий ёдгорликларининг ўрганилиш тарихида.....	56

### ТАДҚИҚОТЛАР

Назкат СУНАТОВА, Фортепиано мусиқасининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи.....	62
Зафар ШОНАЗАРОВ, Мавлоно Жомий, Зайнулобиддин Ҳусайний, Алишер Навоий ва Нажмиддин Кавкабийларнинг мусиқага доир илмий қарашлари.....	68
Ўктам МУРОДОВ, XX асрнинг 20-40-йилларда маданий-мусиқий ҳаёт.....	74
Асодилла СОХИБОВ, Ўзбек мумтоз мусиқаси тарихидан.....	81
Саодат ҲАЙИТОВА, Тукал хонимга аталган бог.....	89
Фаёз АЗИЗОВ, Ўзбек халқ чолгуларининг замонавий ижрочилиги тарихи.....	96
Мурод АЛЛАЕВ, Қарши шаҳридаги меъморий обидалар.....	102
Азиз РАВШАНОВ, Мустақиллик йилларида Қашқадарё воҳаси аҳолиси моддий аҳволидаги ўзгаришлар ва ижтимоий тизимда амалга оширилган чора-тадбирлар.....	107
Нигора ЎРОҚОВА, Ҳофиз Таниш Бухорий ва унинг "Абдуллонома" асари ҳақида.....	111
Хуршид ЖУМАНАЗАРОВ, Табиб шахси ва унинг ижтимоий-маданий портрети.....	116



Бекзод МАМАТҚУЛОВ, Иккинчи жаҳон уруши арафасида  
Ўзбекистонда саноат соҳасидаги тадбирлар ва уларнинг  
натижалари.....121

У.А.УСМОНОВА, Таълим - тарбия тизимидаги ислохотлар мамлакат  
тараққиётининг асоси.....125

Исроил БЎРИЕВ, Суфийлик таълимоти ривожда Азизиддин Насафий  
илмий меросининг ўрни.....130

Юсуф МАНЗАРОВ, Юксак тафаккур соҳиби - Маҳмуд Замахшарий  
маънавий мероси ҳақида.....135

Солижон ИБРАГИМОВ, Ёшлар тарбиясида "оммавий маданият" ва  
унинг таҳдиди.....139

Г.МЎМИНОВА, О.АКМАМАТОВ, Қипиқларё воҳаси қиплоқларида  
соғлиқни сақлаш ва таълимнинг аҳоли.....145

Ғулом КАРОМОВ, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасининг йўлга  
қўйилиши ва унинг туб аҳоли ижтимоий ҳаётига таъсири.....153

Раъно ТЎХТАЕВА, Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон  
аҳолисининг ижтимоий ҳаёти.....158

Марғуба ҚЎРБОНОВА, Ўзбекистон республикасининг тил сиёсати  
ва унинг ҳуқуқий асослари.....163

Ғузэл ОЧИЛОВА, Тинчлик - бебаҳо неъмат.....168

Нигора ШАРОПОВА, Ўзбекистонда таълим тизими  
ислохотлари ва унинг асослари .....172

Валижон АШИРОВ, Мустақиллик йилларида Навоий вилоятидаги  
ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар.....178

Шухрат ТОШТУРОВ, Барқарор ривожланиш шароитида Ўзбекистон  
ва ЮНИСЕФ ҳамкорлиги.....182

Жасур МАХМАТҚУЛОВ, БМТнинг гиёҳвандликка қарши кураш  
тадбирлари ва унинг натижаси.....189

Садоқат ХЎЖАЁРОВА, Исторический анализ Российско-Афганских  
отношений середины XIX - начала XX веков.....193

Фаррух АХМУРОДОВ, Ўзбекистонда халқаро терроризмга қарши  
кураш тадбирлари.....200



**BUXORO TURKMANLARI****BILAN BOG'LIQ JOY  
NOMLARI TANLII**

Анвар ТўРАЕВ,  
Бухоро давлат университети тадқиқотчиси.

**Таянч сўзлар:** туркманлар, миграция, аҳоли демографияси, итимоий ҳаёт, Янги турмуш, Қумлик, Талимардон, Ипакчи, Чорраҳа, Бешариқ.

Азалдан Ўзбекистон ҳудудида, хусусан унинг қадимий этнографик ҳудудларидан бири ҳисобланган Бухоро воҳасида жуда кўплаб халқлар ва элатлар ўзаро ҳамжиҳатликда яшаб, яқин ижтимоий-маданий алоқаларга эга бўлиб келишган. Шундай этник гуруҳлар ичида туркманлар кўпчиликни ташкил қилиб, Бухоро воҳасининг этно ҳудудий ўзига хослигини шаклланиши ва ривожланишида, қолаверса ранг-баранглик касб этишида муҳим ўринга эга бўлиб келишган. Туркманлар зич жойланган Янги турмуш ва Соргун, Паракти, Сурхиён, Наврўз, Оқчамамат, Ўрмонзор, Қозоқовул каби туркманлар истиқомат қилаётган жой номларини ўрганиш бутунги кунда Бухоро этнологиясининг долзарб ва кам ўрганилган масалаларидан бири ҳисобланганлигини инобатга олганда, мазкур жиҳатлар изчил ўрганилиши муҳимдир.

Бухоро туркманлари билан боғлиқ жой номлари ўзига хослигини қуйидагича таснифлаш мумкин. Биринчидан, бевосита туркман этноними билан боғлиқ жой номлари бўлиб, мазкур жой номлари туркманларнинг у ёки бу уруғи номини ўзида акс эттиради. Иккинчидан, туркман этнонимига боғлиқ бўлмаган ҳудудлар ҳам борки, у ерда кўплаб туркман гуруҳлари истиқомат қилишади. Шу жиҳатдан айтиш мумкинки, Бухоро воҳасида жой номларига эътибор қаратилса, улар туркман этноними билан боғлиқ эмаслиги, аммо кўп сонли туркманлар яшаб келаётган жой номлари асосан кузатилади ва биз қуйида мазкур жой номларини таҳлилни келтиришга ҳаракат қиламиз. Туркманларнинг салмоғи жиҳатидан йирик ҳудуд Бухоро туманидаги Янги турмуш маҳалласи ҳисобланади. Янги турмуш ҳудудида Қоражери II, Қоражери I, Ипакчи, Чорраҳа, Бешариқ, Дейсўхта, Чаримгар, Кечқўноқ каби бир нечта кичик қишлоқлардан иборат манзиллар мавжуд бўлиб, уларнинг таркиби қуйидагича: [8]



## TARIKHSHUNOSLIK

	Миллати	Адолл сони	% Умумий
1	Ўзбеклар	2584	43.6
2	Туркманлар	3233	56
3	Қозоклар	9	0.2
4	Тожиклар	2	0.1
5	Руслар	2	0.1
<b>Жами:</b>		5830	100%

Советлар бошқаруви даврида жамоа хўжаликларига бириктириш сиёсатининг натижасида 1930 йилларда мазкур ҳудудларда ҳам ҳунармандчилик артеллари, деҳқон жамоа хўжаликлари ташкил этила бошланган. Айнан шу даврда Чорраҳа қишлоғида "Янги турмуш" жамоа хўжалиги, Чаримгар қишлоғида "Иттифоқ" жамоа хўжалиги, Қоражери қишлоғида эса "1 май" жамоа хўжалиги тузилганлиги сабабли кўплаб туркман оилалари оммавий равишда кўчиб кела бошлаган ва ўзбеклар билан ёнма-ён ўрнаша бошлаган. 1934 йилда юқоридаги барча жамоа хўжаликлари бирлашиб, ягона "Янги Турмуш" жамоа хўжалиги юзага келган. [3].

"Янги турмуш" қишлоғида туркманларнинг салмоғи турлича бўлиб, аҳоли сони ҳам бир хил эмас. Масалан: Қоражери II аҳолиси бошқа еттига қишлоқ аҳолисига нисбатан (433 киши) кам сонли бўлса ҳам, лекин у ердаги туркманлар сони кўп бўлиб, аҳолининг 95% ни қамраб олади. Сабаби, "Янги турмуш" жамоа хўжалиги маркази идораси бўлади деб, 1950 йилларда ҳозирги Қоражери II қишлоқ йўлининг икки томонига уйлар қурилган. Лекин, Қоражери II қишлоғи Бухоро туман маркази бўлган Галаосиёдан кейинги биринчи қишлоқ бўлгани учун, раҳбарият жамоа хўжалиги маркази ҳам аҳоли яшайдиган марказда бўлиши лозим деб, Чорраҳага кўчиртирилган. Шундан сўнг, жамоа хўжалиги идораси учун қурилган турар жойларга "Янги турмуш" колхозига қарашли Қумлиқ, Талимардон қишлоқларидан туркман оилалари Қоражери IIIга кўчиб келганлар. Оқибатда эса, туркманлар сони ортиб борган. Шунингдек, қўшни қишлоқлардаги туркман қизларига уйланиш ёки туркманларга қиз бериш ҳолатлари мустақилликгача сақланиб қолганлиги туркманлар аҳолиси фоизини ошиб боришига сабаб бўлди. Ҳозирда ҳам аксарият "Янги турмуш" туркманлари никоҳ қуришда Бухоро туманида яшаётган туркманлардан танлаб келишади. Чунки, оилада ўзаро яқинликни, бирликни сақлаб қолишда, бир-бирларини тушунадиган тилда мулоқот олиб бориш мақсадида туркманлар ўртасида никоҳ кўп бўлишига сабаб бўлиб келган.

Қоражери топонимика бўйича турли талқинларни учратиш мумкин. Бу қишлоқ этимологияси билан боғлиқ бўлган уч хил қараш мавжуд.

Биринчиси, аҳоли хўжалиқда жўхори ўсимлигини кўп (оқ жўхори, маккажўхори, супурги бўладиган жўроб) экканлар. Жўхориларга "қора куя" касаллиги тушиши оқибатида қорайиб қолган. "Қора жўхори" сўзи қишлоқ номига кўчиб "Қоражери" деб аталган.



Иккинчиси, шу ерли аҳоли томонидан ерларга супурги бўладиган жўхори кўп экилган, унинг уруги қора бўлганлиги сабабли "қора жўхори" деб юригилган. Вақт ўтиши билан "қора жўхори" аҳоли томонидан "Қоражери" деб талаффуз қилинган.

Учинчиси, Бухоро амирининг қора танли чўриси бўлиб, озод бўлганидан сўнг унинг хизматларини эътиборга олиб, амир унга ер инъом этади. Тухфа қилинган ер "қора чўрини ери" деб айтилган. Аҳоли орасида "қора чўрини ери" номидаги жой ўрнини "Қоражери" эгаллаган[4].

Бизнингча, Қоражери қишлоқ номи қора танли қул билан боғлиқ бўлмаса керак. Чунки, Бухоро амирлиги даврида қўлчиликни бекор қилиш борасида подшо Россияси томонидан амир олдига қўйган талаб тўлиқ таъминланмаган[9,99]. Бу эса Бухорода мангитлар ҳокимияти ағдарилгунига қадар қулчилик аён ва амалдорлар томонидан олиб борилган, деган хулосага келинади. Қолаверса, ишончли қул бўлган тақдирда ҳам, катта ер мулклар унга ишониб топширилмаган.

Ипакчи қишлоқ топонимикаси ҳақида айтиш мумкинки, ипак қурти учун асосий озуқа бўлган тут кўчатларини экиб келган қишлоқга "Ипакчи" деб ном берганлар. Шунингдек, бу қишлоқда етиштирилган тут кўчатлари бутун мамлакат бўйлаб кенг тарқатилган. Лекин ҳозирда бу қишлоқ аҳолиси, пилла қурти учун керак бўлган тут кўчатларини етиштириш билан шуғулланмайдилар. Чунки, аҳолининг даромад манбаи бугунги кунда хўжалиқда деҳқончилик ва чорвачилик бўлиб келаётганлиги боисдан тут кўчатлари экилмаяпти.

Чорраха "тўрт йўл"[10,61] маъносини англаиб, шимолдан Вобкент туманига, шарқдан Когон туманига, жанубдан Бухоро шаҳрига, ғарбдан Бухоро тумани маркази Галаосиё шаҳрига йўналган чўлларни туташтирган жойга Чорраха дейилган. Ҳозирда ҳам юқорида номлари тилга олинган туман ва шаҳарларга Чорраха қишлоғи орқали бориш мумкин.

Бешариқ сув объекти номини олган гидроним бўлиб, Янги турмушдаги қишлоқлар Шоҳруд канали сувидан фойдаланишлари учун, Жайхун канали, юқори Кобдин, Чорраха, Дейсўхта, Бешариқ қишлоқ ариқлари бошланган жойида сувни тақсимлаш мақсадида сув иншооти барпо этилган қишлоқ, "Гадоё топмас" ўрнини "Бешариқ" деб номланган.[1.15.] Шоҳруд каналдан сув келгунига қадар бу жой тўқайзор, юлгунзор, яъни ўзлаштирилмаган ҳудуд бўлгани учун, "Гадоё топмас" деб айтилган.

Аҳолининг тенг ярмини туркманлар ташкил қилган қишлоқ "Дейсўхта" деб номланиб, бу ҳудуд илгари баланд тепаликлардан ташкил топган. Ҳозирда битта тепалик қолган бўлиб, бу тепалиқда "Кабўтпўш" авлиё қабристони жойлашган. "Дейсўхта" қишлоқ маъноси бўйича икки хил фикр юритилиб келинади:

Биринчиси, бир пайтлар тепалик ташландиқ ҳолда бўлиб, чангалзор тўқай ўсимликларига, чўпонларнинг эътиборсизлиги орқали ўт кетади. Куйиш натижасида тепалиқга "Куйган тепа" номини берадилар[5]. Ҳозирда ҳам



халқ орасида "Дейсұхта" - "Куйган тепа" номи билан айтилиб келинади.

Иккинчиси, қишлоқ аҳолиси Шоҳруд канали бўйида жойлашган бўлиб, сув тошқинларидан аҳоли кўп зиён кўрганлиги туфайли халқда тожикча "Дили сўхта" - юраги куйганлар, жабрдийдалар маъносида "Дилсўхта" деб аталган. "Дейсұхта" ҳам деҳ-қишлоқ, сўхта-кўйган, жабр кўрган маъносини беради[7,11].

Дарҳақиқат, Шоҳруд каналидан, бешта ариқ қазилиб, аҳоли сув билан таминлаганига қадар, тўлиб-тошиб оқган. Сувнинг кўпайиши натижасида аҳоли эҳтиёжлари учун экилган бугдой ва полиз экинларини сув босиб, аҳоли азият чекган. Сув тошқинидан жабр кўрган аҳолига нисбатан "Дейсұхта" номи ишлатилиб келинаётганлиги ҳақиқатга яқинроқ.

"Янги турмуш" МФЙдаги "Чаримгар" қишлоғида 2021 йилги маълумотларга қараганда аҳоли сони 423 нафар бўлиб, шундан 85% ни туркманлар ташкил этади. Хўжалиқда аксарият аҳоли чорвачилик билан шуғулланиб келганлиги, қора мол терисини қайта ишлаб, чармдан бош кийим, оёқ кийим, тайёрловчи ҳунармандлар кўп бўлганлиги учун қишлоқ номи "Чармгар" деб юритилган. Ҳунармандлар касби номидан "Чармгар" қишлоғи ҳам дейилади. Ҳозирда қишлоқ аҳолиси чармни ошлаш, чармгарлик билан хўжалиқда машғул эмас. Чунки, чорва молларини боқиш учун чўл ва яйловларнинг қисқарганлиги, бу касбнинг ўзига яраша маъшақатли бўлганлиги, чармгарлик ҳунари билан шуғулланувчи кекса авлод вакилларининг йўқлигига сабаб бўлмоқда.

Туркманларнинг салмоғи жиҳатидан "Кечқўноқ" қишлоғи етакчи ўринни эгалаб, аҳолининг 80% ни ташкил қилади. Бу қишлоқдан буюк ипак йўлининг бир тармоғи ўтганлиги учун, Бухоро шаҳрига шимол томондан келган йўловчилар, савдогар ва карвонлар шу ерда тунаб қолганлар. Бухоро шаҳри дарвозалари кечқурун ёпилиши сабабли, қуёш ботгунича савдогарлар манзилларига етиб бора олмасликларига кўзлари етиб, қишлоқда бир кеча қўноқда дам олиб, эрталаб Бухоро шаҳрига отланганлар. Демак, "Кечки-қўноқ" сўзидан "Кечқўноқ" қишлоқ номи келиб чиқган[6]. "Кечқўноқ" топоними бўйича бошқа мулоҳазалар ҳам мавжуд. Бунга кўра, топонимнинг асл шакли туркманча "гечқўноқ" бўлиб, геччилар, яъни эчкилар кеч бўлганда тунайдиган жой маъносини англатади[10,61]. Ушбу ҳудудда яшаётган аҳоли таркибида туркман этник гуруҳ вакилларининг кўплиги, юқоридаги фикр асосли деган хулосага келишга сабаб бўлади.

Юқорида санаб ўтган қишлоқлар туркманларнинг уруғ-қабиласи номи билан аталиб келинмасада, аҳолининг асосий этник таркибини туркманлар ташкил қилади.

Шунингдек, Когон туманида ҳам туркманлар яшаб келаётган аҳоли манзилгоҳларига Сорғун, Паракти, Сурхиён, Наврўз, Оқчамамат, Ўрмонзор, Қозоқовул қишлоқлари киради. Туманда истиқомат қилиб келаётган турли этник гуруҳлар ичида, туркманлар (1046 киши) аҳолининг 1,3% ни ташкил



этади[2].

Паракти, Сурхиён, Оқчамамат, Ўрмонзор кишлоқ аҳолиси аксарияти ўзларини туркманлар деб билади. Ахборотчилар билан олиб борилган суҳбатларда шунга амин бўлдикки, номлари тилга олинган кишлоқ аҳолиси Туркменистонга қиз бериб, у ердан тўй қилиб келин олиб келганлар. Бунинг сабаби, бу ерда яшаб келаётган аҳолининг қавм-қариндошлари Туркменистонда бўлганлиги ёки аксинча бўлиб, қондошлик ришталари узилиб қолмаслиги, ўзаро алоқалар давом этиб туриши учун, шундай йўл тутишган. Ҳозирги кунда пандемия сабабли, икки халқ аҳолиси ўртасида яқин алоқалар бирмунча узилиб қолган.

Когон туманидаги "Паракти" кишлоқ номининг маъноси, тегирмон парраги, паррак ясовчи усталар кишлоғи деган[10,87] маънони англатади. Қўшни "Сурхиён" кишлоғи аҳолиси эса, "юқори Сурхиён" ва "ўрта Сурхиён"га бўлиниб, сурх этноними туркманларнинг сурх (и) деган уруғ номидан олинган[11,115]. Шу ерлик аҳоли вакиллариининг фикрларига кўра, Сурхиён қизил маъносини англатиб, кўпроқ боғларда етиштирилган қизил олмага нисбат берилиб "Сурхиён" деб атайдилар. Аксарият Сурхиёнлик аҳоли бу кишлоқ номини туркман уруғига дахли йўқ деб билишади. Лекин кишлоқда ўзларини туркман деб билган аҳоли салмогининг кўпчиликини ташкил қилиши, бизнингча, туркманларга тегишли уруғ бу манзилдаги аҳолига бош-қош бўлган.

"Оқчамамат" кишлоқ топоними оқча ёки ақча-пул, зарб маъносини англатса, Мамат эса туркманларга таъаллуқли кишининг исмидир. Дарҳақиқат, туркманлар ичида Мамат номи билан айтилиб келинган шахсларни кўп учратамиз. Масалан, Маматқул, Холмамат, Пирмамат, Оқмамат ва бошқа исмлардаги кишиларни келтириш мумкин. Демак, бу кишлоқ ҳам туркман уруғидан бўлган етакчи томонидан назорат қилиниб, топган даромади ва ҳаёт тажрибаларини шу ерлик аҳоли билан биргаликда баҳам кўриб келган.

Хулоса қилиб айтганда, ўрганилган манбалар ва дала тадқиқотлари таҳлили шуни кўрсатадики, туркманлар салмоғи жиҳатидан кўпчиликини ташкил қилган Янги турмуш ва Паракти, Сурхиён, Оқчамамат кишлоқларини топонимикаси ёритиш орқали аҳолининг хўжалик машғулотлари, жойларнинг табиий-тарихий географияси, моддий маданиятини ўрганиш имконини беради. Шунингдек, туркманлар кўпчиликини ташкил этадиган кишлоқларда юқоридаги жой номлари қайси тил асосида номланганлигини ўрганиш орқали топонимларга ечим топишимиз мумкин. Бугунги кунда Бухоро вилоятидаги айрим кишлоқ ва кўчаларни номлари ўзгартирилиб, қўшимча сўзлар қўшилиб айтилиб келинаётганлигига гувоҳи бўламиз. Бунинг натижасида халқ орасида жой номлари нотўғри талқин қилиниб, уларнинг қадимги номлари бузилиб талаффуз этилиб келинмоқда. Бу қадимги кишлоқ номланишларининг унитилишига олиб келиши мумкин. Зеро, кишлоқ топонимикасида этноснинг ҳаёт йўли, тарихи кечмиши,



маданияти ўз аксини топади. Топонимикани ўрганиш ва унинг халқ ҳаёти билан боғлиқ жиҳатларини таҳлил қилиш этнологиянинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Адизова Н. Бухоро туман топонимикаси. -Т.: "Наврўз", 2020.
2. Бухоро вилоят статистика бошқармаси 2021 йил 1 январь маълумоти.
3. Дала ёзувлари. Бухоро вилоят, Галаосиё тумани, Чорраҳа қишлоғи. 2021 йил.
4. Дала ёзувлари. Бухоро вилоят, Галаосиё тумани, Қоражери I қишлоғи. 2021 йил.
5. Дала ёзувлари. Бухоро вилоят, Галаосиё тумани, Чорраҳа қишлоғи. 2021 йил.
6. Дала ёзувлари. Бухоро вилоят, Галаосиё тумани, Қоражери I қишлоғи. 2021 йил.
7. Жумаев А., Муҳаммедов., Ҳамроев А. Ўлкамиздаги жой номлари. Бухоро. 1998.
8. Маҳала фуқаролар йиғини пасорти материаллари 2021 йил январь ҳолати.
9. Садриддин Айний. Қуллар романи. -Т.: "Бадий адабиёт", 1964.
10. Тўраев Ҳалим. Бухоро топонимикаси. Бухоро. "Дурдона", 2021.
11. Қораев С. Географик номлар маъноси. -Т.: "Ўзбекистон", 1978.

### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Бухоро вилоятида туркманлар зич яшаб келаётган ҳудудлар, хусусан Янги турмуш ва Сорғун, Паракти, Сурхиян, Наврўз, Оқчамамат, Урмонзор, Қозоқовул каби туркман қишлоқларининг топонимикаси батафсил ёритиб ўтилган. Шунингдек, бу ҳудудларда истиқомат қилаётган туркманларнинг салмоғи, турмуш тарзи, хўжалик фаолияти, оилавий муносабатлари ҳақида ҳам атрофича сўз борган. Урганилаётган ҳудудларнинг маъноси борасида илмий адабиётлар ва дала этнографик тадқиқотлар жараёнида йиғилган маълумотлар таҳлил қилинган.

### РЕЗЮМЕ

В данной статье подробно анализирован топонимия туркменонаселенных местностей Бухарской области, в частности, туркменских сел как "Янги турмуш" и "Соргун, Паракти, Суркхиян, Навруз, Акчамамат, Урманзор, Казахавул" Также описыван подробные сведения о количестве, образе жизни, хозяйственной деятельности, родственных связях туркмен, проживающих в этих территориях. Приведены данные о изучаемых названий территорий на основе научных литератур и полевых этнографических исследований.

### RESUME

This article analyzes in detail the toponymy of the turkmen-populated areas of the Bukhara region, in particular, the turkmen villages as "Yangi turmush" and "Sorg'un, Parakhti, Surkhiyan, Navruz, Akchamamat, Urmanzor, Kazakhavul" It also describes detailed information about the number, lifestyle, economic activity, family ties of turkmens living in these areas. Data on the studied territories are given on the basis of scientific literatures and field ethnographic researches.